*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 92 (8332). | 12 май, 1984 йил ● | ШАНБА | ● Баҳоси 3 тийин.

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

11 майда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда «КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг якунлари ҳамда область партия ташкилотининг Пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси мамлакатимиз ҳаётида, бутун халқимиз ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеа бўлди, деди докладчи.

Совет кишилари партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг СССР Олий Совети Президиумининг раиси қилиб сайланишини баланд руҳ билан кутиб олдилар ва тўла маъқулладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми республикамиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари иродасини изҳор этиб, КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Марказий Комитет Пленумидаги ва Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи коллективи билан учрашувдаги нутқларида баён этилган программ қоидалар ва хулосаларни тўла маъқуллади.

Бу муҳим сиёсий ҳужжатларда партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда меҳнат коллективларининг партия XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг ундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини амалга ошириш бўйича ташкилий, сиёсий, ғоявий-тарбиявий ва хўжалик фаолиятларининг кенг доирадаги муҳим вазифалари чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми шуни алоҳида таъкидладики, мамлакатимиз беш йилликнинг жуда ҳам масъулиятли, якунловчи босқичига чиққан вақтда ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш ишда самарадорликни янада ошириш, бўшашувчиликнинг у ёки бу кўринишларини бартараф этишни, давлат планининг бажарилиши учун муттасил қайғуришни ўзининг биринчи навбатдаги бурчи деб билмоғи керак. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар оммасининг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини кенг авж олдиришни, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда фаол иштирок этишларини талаб этади.

Бунда социалистик демократияни, бутун жамиятнинг сиёсий системасини ва аввало халқ депутатлари Советларининг фаолиятини яхшилашда катта резервлар бор.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленумининг «Халқ депутатлари Советларининг ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори партия комитетлари зиммасига совет органларига раҳбарлик савиясини ошириш, улар фаолияти мазмунини чуқурлаштириш, усул ва услубларини такомиллаштириш, халқ депутатлари Советларининг СССР Конституциясида уларга берилган имкониятлар ва ваколатлардан самарали фойдаланишларини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш вазифасини юклади.

Ҳозирги вақтда областимизда 17 шаҳар, 25 район, 119 қишлоқ ва 17 посёлка Советлари ишлаб турибди. Уларнинг составига 15 мингдан ортиқ депутат сайланган Корхоналар, ташкилотлар ва турар-жойларда деярли 1700 депутат группалари ва постлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг составига 11 мингдан ортиқ халқ вакиллари бирлашган.

Область, шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларида 1763 доимий комиссия мавжуд. Уларга 12840 депутат бирлашган. Советларнинг аксарият кўпчилиги социал-иқтисодий ва маданий қурилишнинг кенг ҳамда турли хил вазифаларини самарали ҳал қилмоқдалар, саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ маорифини ривожлантириш, медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, область меҳнаткашларининг иш, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларнинг аҳволига катта эътибор бермоқдалар.

Масалан, халқ депутатлари Ангрен шаҳар Совети корхоналар ва ташкилотлар фаолияти устидан назорат қилиш бўйича ўз ҳуқуқларидан оқилона фойдаланмоқда, иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини муваффақиятли амалга оширмоқда. Тошкентдаги Фрунзе район Советининг фаолияти ташкилий-оммавий ишларнинг юксак даражадалиги, хўжалик ва социал вазифаларни ишнинг кўзини билиб ҳал қилиши билан ажралиб туради. Май ва Назарбек қишлоқ, Чиғириқ ва Янги Ҳаёт посёлка Советлари ҳамда областдаги кўпгина бошқа халқ депутатлари Советлари ҳам ижодий ишламоқда.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида мутлақо тўғри таъкидлаб ўтилганидек, Советларнинг улкан имкониятлари ҳали ҳам етарли даражада ишга солинмаяпти. Ҳали ҳам уларнинг айримлари ишида ташаббускорлик етишмайди, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни ҳал қилишга лозим даражада манфаатдорлик билан муносабатда бўлмайди. Афсусланарлиси шундаки, кўпгина Советлар коллективлар томонидан давлат планларининг бажарилишини назорат қилиш, ижтимоий фаолиятнинг барча участкаларида интизомни ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик ҳисобини жорий қилиш бўйича амалий тадбирлар кўрмайди. Советларнинг тўла ҳокимиятлилиги исрофгарчиликлар, хўжасизлик, талон-тарожлик, хомашё ва бошқа моддий ресурсларни тежаб сарфламаслик каби ҳолатларга қарши курашни кучайтиришда лозим даражада фойдаланилмайди.

Барча Советлар ҳам ўзларининг территорияларида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар фаолиятига, улар қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар, оқилона таъсир кўрсатмайдилар, уларнинг шаҳарлар, районлар ва посёлкаларнинг муҳим ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш имкониятларидан тўлароқ фойдаланмайдилар.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сифатини ошириш Советлар ишининг муҳим участкаси, уларнинг бевосита вазифасидир. Лекин қатор халқ депутатлари шаҳар, район Советлари, уларнинг ижроия комитетлари бу муҳим масала билан конкрет шуғулланмаяптилар. Олмалиқ ва Янгийўл мебель фабрикалари, Тошкентдаги 2-пойабзал фабрикаси, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси, Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси ва айрим бошқа корхоналарда товарлар сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳамон суст ҳал қилинмоқда, территорияларида ана шу корхоналар жойлашган халқ депутатлари Советлари эса ўзларига қонун томонидан берилган ҳуқуқлардан лозим даражада фойдаланиб, брак, талаб қилинмаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришганликлари учун шу корхоналар раҳбарларига лозим даражада талабчанлик қилмаяптилар.

Советлар ва уларнинг доимий комиссиялари ҳамон ҳар доим ҳам капитал қурилишидаги иш аҳволини қатъий назорат қилишмаяпти, уй-жойлар, социал-маиший ва маданий хизмат кўрсатувчи объектларни ишга тушириш муддатлари бузилаётганлиги билан муросасозлик қилмоқдалар. Шундай ҳоллар ҳам бўлмоқдаки, ижроия комитетлар объектларнинг сифатсиз қурилганлиги учун қатъий талаб қилиш ўрнига кўпдан кўп нуқсонлар билан чала қурилган уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари ва бошқа объектларни фойдаланишга қабул қилмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш вазифаларини ҳал қилишда халқ депутатлари Советларининг роли янада кенгроқ намоён бўлиши керак. Қишлоқда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, район марказлари, колхозлар ва совхозлар аҳолисининг иш билан тўла таъминланишига эришиш масалалари Советлар, уларнинг ижроия комитетлари қатъий назоратлари остида бўлмоғи керак.

Советлар агросаноат бирлашмалари фаолиятига раҳбарликни яхшилашлари, уларнинг колхозлар ва совхозлар экономикасига чуқур кириб боришлари, ўзларига бўйсунган ташкилотлар фаолиятини аниқ мақсадларга йўналтиришлари, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини яхши билишлари ва тўла қондиришларига эришмоқлари лозим.

Советлар шаҳарлар, район марказлари, аҳоли пунктларини ободонлаштириш масалалари билан янада чуқурроқ ва масъулиятни тўла ҳис қилиб, шуғулланишлари керак. Партия ва юқори совет органларига меҳнаткашлардан медицина хизмати савиясининг пастлиги, уй-жой — коммунал муассасалари, транспорт, алоқанинг қониқарсиз ишлаётганлиги ҳақида кўплаб ариза ва шикоятлар тушмоқда. Савдо ва аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа соҳалардаги жиддий камчиликлар меҳнаткашларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Бундай масалаларни Совет ва хўжалик органлари жойларнинг ўзида ҳал қилишлари лозим. Лекин ҳамма вақт ҳам шундай бўлмаяпти.

Советлар аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ва маданий-оммавий ишни такомиллаштириш масалаларини доим диққат марказида тутишлари, бу иш зўр активлик ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олиб борилиши ҳақида қайғуришлари керак. Маданий-оммавий муассасалар олдида муҳим вазифалар турибди. Биздаги кўпчилик маданият уйлари, клублар, кинотеатрлар, кутубхоналар, музейлар фаолиятидаги расмиятчилик, эскиликка қарши қатъий курашиш керак. Улар ҳақиқатан ҳам оммавий-сиёсий иш марказлари бўлиб қолишлари учун барча ишларни амалга ошириш лозим.

Сўнгги вақтларда Янгийўл шаҳар, Ленин, Коммунистик ва кўпгина бошқа районлар халқ депутатлари Советлари уюшқоқликни таъминлаш, социалистик турмуш тарзининг қонунлари ва қоидаларига қатъий амал қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишга эътиборни анча кучайтирдилар, милиция, адлия бўлимлари, ўртоқлик судлари ва кўнгилли халқ дружиналари ишига раҳбарлик даражасини оширдилар, бу ижобий натижалар бермоқда.

Лекин ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилувчи органларнинг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш бўйича фаолиятлари ҳамма жойда ҳам шу куннинг талабларига жавоб бермаяпти. Сессиялар ва ижроия комитетлар мажлисларида жамоат тартибини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларига қарши кураш чоралари ҳақидаги масалалар камдан кам муҳокама қилинмоқда.

Бунинг оқибатида айрим шаҳарлар ва районларда жиноятчилик даражаси юқорилигича қолмоқда. Олибсотарлик, порахўрлик, безорилик ва совет кишиларининг ҳаёти, турмуши ҳамда меҳнатини захарловчи бошқа салбий воқеаларнинг содир бўлиш ҳолларини бартараф этишда сезиларли силжиш бўлмаяпти.

Буларнинг ҳаммаси халқ депутатлари Советлари зиммасига ўзининг бой имкониятлари ва ҳуқуқлари билан улардан амалда фойдаланиш ўртасидаги катта узилишни бартараф этиш, иш мазмуни ва услуби Советларнинг Конституцияда мустаҳкамланган тўла ҳокимиятлилигининг тўла даражада ифода этишига эришишлари, қонунчилик, бошқарув ва назоратнинг ленинча ягона принципины таъминлаш вазифасини юклайди.

Советларнинг ҳақиқий халқ ҳокимияти органи сифатидаги мазмунини ифода этувчи муҳим формаси сессиялардир. Сўнгги вақтларда сессияларнинг хўжалик, иқтисодий, социал ва бошқа муҳим масалаларни ҳал қилишдаги роли анча ошди. Айни вақтда сессиялар ишида, ижроия комитетлар мажлисларида ҳали ҳам кўпгина камчиликлар бор. Муҳим масалалар депутатлар муҳокамасига камдан кам ҳавола этилади, докладлар ва нутқларда кўпинча танқид ва ўз-ўзини танқид етишмайди, қабул қилинаётган қарорлар умумий характерда бўлади. Маълум участка, у савдо, транспорт, қурилиш, саноат, коммунал хўжалиги ёки соғлиқни сақлаш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ёки маданият муассасалари бўлишидан қатъи назар, ишига жавоб берувчи бўлимлар ва бошқармалар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари сессияларда муҳокама қилиш ҳамма жойда ҳам қоидага айланмаган.

Ҳамма жойда доимий комиссиялар, депутат группалари ва постлари ишига эътиборни кучайтириш, уларнинг ишига кўпроқ ёрдам кўрсатиш, бундай комиссиялар, депутат группалари ва постлари фаолиятлари ҳақида ҳисоботларни мунтазам тинглаб туриш керак.

Сайловчиларнинг наказлари ҳамма вақт советларнинг диққат-эътибори марказида турмоғи керак. Чунки бу наказларда халқ оммасининг социалистик экономика резервларидан оқилона фойдаланиш, областимизнинг кўп тармоқли халқ хўжалиги барча участкаларидаги аҳволни янада яхшилаш ҳақидаги ғамхўрликлари ифода этилади.

Область, шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ Советларининг ҳозирги состави сайланган вақтда областимиз меҳнаткашларидан хўжалик ва ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида ишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган 6 мингдан ортиқ таклиф, мулоҳаза ва илтимослар тушди. Кўпчилик Советлар наказларнинг бажарилишини эътибор билан назорат қилмоқдалар, бу масалаларни сессияларда, ижроия комитетлар мажлисларида муттасил кўриб чиқишяпти, меҳнаткашларни белгиланган чоралардан хабардор этмоқдалар. Ҳамма жойда шундай бўлиши керак.

Депутат сўровлари наказларни бажариш, белгиланган планларни ва қабул қилинган қарорларни амалга ошириш устидан назоратнинг таъсирчан формаси ҳисобланади. Лекин ундан жуда қониқарсиз фойдаланилмоқда. Масалан, 1983 йилда Тошкент район, Чиноз шаҳар, Тоштўғон ва Облиқ қишлоқ Советлари депутатлари сўров ҳуқуқидан фойдаланмаганлар. Ўтган йили бўлиб ўтган Тошкент шаҳрининг 10 район Советлари сессияларида фақатгина 23 та сўров кўриб чиқилган. Ваҳоланки, шу вақт ичида шаҳар ва район ижроия комитетларига граждандардан социал таъминот, квартира ремонти, сув таъминотини яхшилаш, ободонлаштириш, савдодаги, маиший хизмат соҳасидаги суиистеъмоллар ва кўпгина бошқа нуқсонлар ҳақида кўпдан-кўп аризалар ва оғзаки мурожаатлар тушди.

Меҳнаткашларни қабул қилишни уюштириш, хатлар ва шикоятларни кўриб чиқиш бўйича ишни анча яхшилаш лозим.

1983 йилда область халқ депутатлари Советларига 10 мингдан ортиқ киши шикоятлар ва илтимослар билан мурожаат қилди. Бу аризаларнинг аксарият кўпчилиги кўриб чиқилди ва ўз вақтида ҳал қилинди. Айни вақтда юқори партия органлари ва газеталар редакцияларига меҳнаткашлар томонидан тушаётган шикоятлар ва хатларнинг ҳали ҳам жуда кўплиги шундан далолат берадики, аксарият совет органлари жойларда меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига тўғри муносабатда бўлмаяптилар, қўйилган масалаларни тўла ва аниқ ҳал қилишмаяпти.

Бу шаҳар ва район партия комитетлари, область ва Тошкент шаҳар Советлари ижроия комитетлари зиммасига шаҳар ва район ижроия комитетлари аппаратлари ходимлари, бўлимлар ва бошқармалар раҳбарларига нисбатан улар адресига тушаётган таклифлар ва илтимосларни оператив ва чуқур кўриб чиқиш масаласига талабчанликни кучайтиришлари, меҳнаткашларнинг аризалари ва хатлари билан ишлашда бефарқлик, сансалорлик ва расмиятчиликка йўл қўяётганлардан қаттиқ ва принципиал талаб қилишлари керак.

Советлар ишининг аҳволи ва савияси учун депутат коммунистлардан талаб кучлироқ бўлиши керак. Область халқ депутатлари Советлари составида 6558 нафар партия аъзоси ва аъзоликка кандидат бор. 15 мингдан ортиқ коммунист область, шаҳар ва район муассасаларида ишламоқда. Улар ўз вазифаларига нисбатан масъулиятни ҳис қилиб муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатишлари, Совет ва хўжалик органларининг барча бўғинларида мустаҳкам давлат ва ижрочилик интизоми, қонунчиликка мутлақ амал қилиниши, партия ва ҳукумат қарорларининг қатъий бажарилиши учун изчил ва принципиал кураш олиб боришлари керак. Бунда Совет органлари аппаратларининг партия ташкилотлари муҳим роль ўйнайди.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари Советлардаги коммунистлар иши устидан назоратни кучайтиришлари, уларнинг халқ ҳокимияти органларидаги жамоат фаолияти, депутатлик вазифаларининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботлари ва ахборотларини муттасил тинглаб туришлари керак.

Депутатларнинг, айниқса, ишчилар ва оддий колхозчилар сафидан чиққан депутатларнинг фаоллигини ошириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш лозим, уларнинг ҳар бири ўз ҳуқуқларидан халқ манфаатлари йўлида чуқур ва оқилона фойдаланишни билиши, ўзларининг ижтимоий бурчларига сидқидилдан муносабатда бўлишига эришиш зарур.

Областимизнинг аксарият кўпчилик халқ вакиллари ўзларига билдирилган ишончни шараф билан оқламоқдалар, ишга ижодий ва ташаббускорлик билан муносабатда бўлиш намуналарини намойиш этмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумидаги докладида тўққизинчи ва ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Манноповнинг актив ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятига юксак баҳо берди. Н. Маннопов бошқа илғорлар қаторида беш йилликда ўн йиллик нормани бажариш ташаббуси билан чиққан. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригадирлари халқ депутатлари область Советининг депутати А. Рўзиматова, Бекобод район Советининг депутати А. Усмоновларнинг «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига — 60 центнердан пахта ҳосили етиштирайлик» шиори остида бошлаган ташаббуслари областимизда кенг оммалашди.

Партия комитетлари, область ижроия комитети, шаҳар ва район ижроия комитетлари депутатларнинг меҳнат фаолияти ҳақида доим қизиқиб туришлари, уларни хўжалик ва социал-маданий вазифаларни ҳал қилишга, сессиялар ва ижроия комитетлар мажлисларида кўриладиган масалаларни тайёрлашга актив жалб қилишлари, уларнинг ўқувини мунтазам ўтказиб туришлари, иш тажрибасини ўртоқлашишда ёрдам беришлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми партия комитетларидан Советларнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатадиган барча усуллардан фойдаланишни, Совет органлари кадрлари билан ишлашга алоҳида эътибор беришни талаб этди.

Областимизда Совет органлари кадрларининг сифат составини яхшилаш бўйича кўпгина ишлар қилинди. Ҳозирги вақтда шаҳар ва район ижроия комитетлари, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг 258 раислари ва раис ўринбосарларидан 218 нафари ёки 85 проценти олий маълумотлидир, 55 проценти халқ хўжалиги мутахассислари ҳисобланади, 10 процентдан ортиғи партиявий-сиёсий таълим олган.

(Давоми 2-бетда).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг ПБИП Марказий Комитети биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский билан Москвада ўтказган музокаралари якунларини кўриб чиқди. Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳамма соҳаларини муттасил чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун бу музокараларнинг жуда муҳим аҳамияти таъкидланди. В. Ярузельскийнинг визити давомида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги қардошларча муносабатларни мустаҳкамлайди ҳамда бу муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришда катта қадам бўлади.

Совет Иттифоқи ва Польша раҳбарларининг музокаралари халқаро вазиятнинг барча актуал проблемалари хусусидаги фикрларнинг бирлиги билан характерланади. Совет Иттифоқи ва Польша Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг революцион ғалабаларини ҳимоя қилишга, инсониятни ядровий фалоқат хавфидан халос этишга қаратилган қатъий ва амалий йўлни бундан буён ҳам ўтказаберадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Совет—Польша музокараларининг якунларини, ўртоқ К. У. Черненконинг бундан буён ҳам КПСС Польшадаги танглик оқибатларини тугатишда, ўз мамлакатида социализмни мустаҳкамлаш учун курашда Польша Бирлашган ишчи партиясини, ПХР меҳнаткашларини аввалгидек ҳар томонлама қўллаб-қувватлай беришга, тинчликни сақлаб қолиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишида қардош социалистик давлатларнинг бирлигини кучайтира беришга тайёр, деб билдирган фикрини тўла-тўкис маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида бу йилги ҳосилни ўриб-йиғиб олишни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлашни, шунингдек 1984/85 йилги даврда чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш юзасидан СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан қўшимча тадбирлар қўллаб-қувватланди. Техника ва транспорт воситалари ремонтини жадаллаштириш, ўрим агрегатларини малакали механизатор кадрлар билан мустаҳкамлаш, омборлар, чорвачилик бинолари ва ем-хашак цехлари қуриш, қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг ташкил этилишини яхшилаш юзасидан тегишли партия, совет ва хўжалик органларига, колхоз ва совхозларга конкрет топшириқлар белгилаб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси нефть ва нефть маҳсулотлари ресурсларини кўпайтириш, улардан халқ хўжалигида тежаб-терғаб, оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бир қанча янги тадбирларни белгилади. Бу қимматбаҳо энергетика хом ашёсидан тежаб ва комплекс равишда фойдаланиш проблемаси жуда муҳим умумдавлат, умумпартиявий аҳамиятга эга эканлиги ва барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг доимо диққат марказида бўлиши кераклиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида маҳсулотни стандартлаш ва унинг сифати юзасидан белгиланган қоидаларга қатъий риоя этилиши учун масъулиятни ошириш тўғрисидаги, Украина ССР ерларини мелиорациялашни янада ривожлантириш ҳақидаги масалалар, шунингдек Коммунистик партия билан Совет давлати иқтисодий ва социал сиёсатининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

# К. У. ЧЕРНЕНКО ИСПАНИЯ ДАВЛАТИ БОШЛИҒИ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 10 май куни Кремлда расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Испания қироли Хуан Карлос I билан учрашди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва Испания Ташқи ишлар министри Ф. Моран иштирок этдилар.

Учрашув вақтида халқаро вазиятни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ҳамда иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг истиқболлари юзасидан фойдали ва конструктив фикрлашиб олинди.

К. У. Черненко испаниялик меҳмонни табриклаб, совет кишилари испан халқига, унинг урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан қарашларини таъкидлади. Шу жиҳатдан у иккала мамлакат ўртасида суверенитетни ўзаро ҳурмат қилишга ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка асосланган яхши муносабатларни ривожлантириш учун Испания давлати бошлиғининг СССРга қилган биринчи визитининг аҳамиятини қайд этиб ўтди.

Ҳар иккала томон Совет Иттифоқи билан Испания ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш учун имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Совет томони ҳозирги халқаро аҳволга ва унинг ғоят кескинлашиб кетганлиги сабабларига баҳо бериш чоғида тинчлик ва турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш ишини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келаётган Совет Иттифоқининг ўзгармас ташқи сиёсати тўғрисидаги фикрни алоҳида таъкидлаб ўтди. СССР ана шу сиёсатга асосланиб ишончни тиклашга, барча давлатлар ва халқларнинг бехатарлигини ошириш, уруш хавфини камайтиришга қаратилган катта-катта ташаббуслар билан майдонга чиққанлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Испания халқаро кескинликни юмшатишдан, совет ҳамда испан халқларининг турмуши ва меҳнати учун тинч ташқи шароитларнинг таъминланишидан манфаатдор эканликлари изҳор этилди.

Ҳайрихоҳлик руҳида ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССРнинг Испаниядаги элчиси Ю. В. Дубинин ва Испаниянинг СССРдаги элчиси Х. Л. Ксифра ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР Олий Совети Президиуми 10 май куни Катта Кремль саройида Испания қироли Хуан Карлос I ва қиролича София шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда меҳмонларнинг сафарида ҳамроҳ бўлиб келган расмий кишилар улар билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда К. У. Черненко рафиқаси билан, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, В. И. Воротников, В. В. Кузнецов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат Комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко зиёфатда нутқ сўзлади.

## *Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи*

Хазрат олийлари!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Ўртоқлар!

Испаниядан келган ҳурматли меҳмонларимиз — қирол Хуан Карлос I ва қиролича Софияга — СССР Олий Совети Президиуми номидан Москвага хуш келибсизлар! — деб айтмоқчиман.

Совет Иттифоқи билан Испания ўртасидаги, агар ўтмишга назар ташланадиган бўлса, Россия билан Испания ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳамма йиллари мобайнида Испания давлатининг бошлиғи мамлакатимизга биринчи бор келди. Бугунги учрашувни биз мамлакатларимиз халқлари эзгу туйғуларининг, улар бир-бирларига ўзаро ҳурмат ва ҳайрихоҳлик билан қараётганликларининг юксак ифодаси деб биламиз.

Бу — анъанавий туйғулардир. Пушкин ва Лермонтов, Глинка ва Римский-Корсаков, рус санъатининг бошқа кўпгина даҳолари асарларида испанча оҳанглар тез-тез учраб туради. Миллион-миллион совет кишилари Сервантес ва Лопе де Вега, Веласкес ва Гойянинг, жаҳон маданиятига сўнмас ҳисса қўшган бошқа улуғ испанларнинг ажойиб асарларига офарин айтмоқдалар. Шу кунларда ҳам мамлакатимизда Испаниянинг турмушига зўр қизиқиш билан қаралмоқда. Испанияда ҳам халқимизнинг маданий обидаларига, Советлар мамлакатининг ҳозирги турмушига астойдил қизиқаётганликларини биламиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида мураккаб, қийин даврлар ҳам бўлганини ҳаммамиз биламиз. Аммо порлоқ, ёрқин саҳифалар ҳам бўлган. Айни шу саҳифалар, одатда, халқларнинг хотирасида энг чуқур из қолдиришидан бахтиёрмиз.

1977 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин Совет—Испания алоқалари ва мулоқотлари анчагина олға силжиди. Сизнинг Совет Иттифоқига визитингиз бунинг яхши тасдиғидир. Биз муносабатларни савдо-сотиқдан, маданият соҳасидаги ҳамкорликдан бошлаган бўлсак, энди сиёсий учрашувлар ва маслаҳатлашувлар, парламентлар ва жамоат ташкилотларн ўртасидаги мулоқотлар уларнинг ёнига қўшилди. Амалий ҳамкорлик соҳаси анча кенгайди. Бу ҳамкорлик денгизда кемалар қатновини ва авиация алоқасини, илмий-техникавий ҳамкорликни ва соғлиқни сақлашни, саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғор тармоқларини ўз ичига олади.

Мамлакатларимиз Европанинг турли томонларида жойлашган. Улар ҳар хил ижтимоий-сиёсий системаларга мансубдирлар. Аммо бу нарса суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик негизида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун халақит бермаслигини кўриб турибмиз.

Биз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни салмоқли ва соғлом асосда ривожлантиришга тайёрмиз. Халқаро вазиятдаги ўзгаришлар бу муносабатларга қанчалик камроқ таъсир қилса, улар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига шу қадар кўпроқ мос келишига, шу тариқа ўзаро муносабатларимиз Европадаги ва бошқа қитъалардаги хавфсизликни мустаҳкамлашга тобора яхшироқ таъсир ўтказаверишига бизнинг ишончимиз комил.

Уруш хавфини камайтириш борасидаги куч-ғайратлар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур. Ҳозирги халқаро вазият кескингина бўлиб қолмай, анча хатарли ҳамдир. Афсуски, дунёда ўз манфаатларини қуролланиш пойгаси билан боғлаган, таркиб топган ҳарбий-стратегик мувозанатни қўпоришга ошкора зўр бераётган кучлар бор. Ғарбий Европанинг айрим мамлакатларида бизнинг мамлакатимизни ва унинг иттифоқчиларини нишонга олиб турган биринчи зарба урувчи ядро қуролининг жойлаштирилиши — тинчлик иши учун хатарли бўлган шу сиёсатнинг кўринишларидан биридир.

Совет Иттифоқи билан Испаниянинг халқаро проблемалар хусусидаги фикрлари кўп жиҳатдан турличадир. Аммо Совет Иттифоқи каби Испания ҳам мустаҳкам тинчликдан манфаатдор, деб ўйлаймиз. Аслида, Сизнинг нутқларингиз ҳам, Испания ҳукуматининг баёнотлари ҳам, жамоат доираларининг фикр-мулоҳазалари ҳам шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

